

## Замонамизнинг таниқли қориларидан бири шайх Сауд Шурайм истеъфога чиқди



19:50 / 25.03.2023 2534

Жорий йилнинг чоршанба оқшомида икки муқаддас масжид ишлари бўйича раислиги Рамазон ойи арафасида йиллик таровеҳ жадвалини эълон қилиш билан бирга, машхур имом, шайх Сауд Аш Шураймни истеъфога чиққанини тасдиқлади.

Январь ойи бошида Inside the Haramain нашри таниқли имомнинг истеъфога чиққани ҳақида хабар берган эди. Февраль ойида Ҳарамайнда бу имом ҳақида сўз юритилаётган бўлиб, у ҳақиқатан ҳам шайх Сауд Аш Шурайм эканлиги маълум қилинган.

Унинг эрта нафақага чиқиш сабаблари ошкор этилмаган, бироқ Inside the Haramain нашрининг маълумотига кўра, бу имомнинг илтимоси билан бўлганини айтишган.

Шайх Шурайм 1443 йил 12-Рабиул аввал куни Масжидул Ҳарамда сўнги намозини ўқиган. У 32 йил мобайнида Масжидул Ҳарамда имом-хатиб лавозимида хизмат қилди.

Замонамизнинг энг таниқли қориларидан бири ўз ишини тарк этди.